

«ОЗОН ТУЙНУКЛАРИ ГЛОБАЛЬ МУАММО»*Ўзбекистон экологик ҳаракати**Марказий Кенгаш Ижроия қўмитаси Бош мутахассиси***Жовлиев Мухриддин***ТошДТУ Мухандислик технологиялари факультети**I-босқич Магистранти***Атаходжаев Абдубоситхожа Абдулахатхожа ўғли**

Озон қатлами 1912 йилда француз физиклари Шарл Фабри ва Анри Буиссон томонидан спектроскопик ўлчовлар орқали кашф этилган. Стратосферада 15 дан 30 км гача баландликда жойлашган: тропикларда 25-30 км баландликда, мўътадил кенгликларда 20-25 км, кутб кенгликларида 15-20 км.

Озон молекулалари (O₃) учта кислород атомидан иборат бўлиб, қуёш радиацияси таъсирида кислород молекулалари (O₂) «ажралиши» (ажралиши) дан кейин ҳосил бўлади.

Гарчи, ҳозирда атмосфера ҳавосидаги озон жуда оз қисмини ташкил этса – да, унинг аҳамияти бениҳоя каттадир. У оқсил ва нуклеинли кислоталарни емирувчи қатъий ультрабинафша нурланишни ушлаб қолади.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, озон қатламининг емирилишига совитиш техникалари, ёнғин ўчириш воситалари, таркибида галогенлар (хлор, фтор ва бром) бўлган кимёвий моддаларнинг саноат ва қурилиш соҳасида кенг қўлланилиши асосий сабаб саналади.

Озон қатламини олимлар «биологик қалқон» деб ҳам атайдилар. Таассуфки, бу қалқоннинг емирилишига инсон омили катта роль ўйнаётди. Космик парвозлар, реактив самолётлар парвози, автомобиллар ва бошқа манбалардан чиқаётган газлар, айниқса, совитиш тизимларидаги фреон газлари бу қатлам ҳолатига акс таъсир кўрсатмоқда. Бу эса келажакда иқлимнинг башорат қилиб бўлмайдиган ўзгаришларига, яъни инсон организми иммун тизимининг заифлашишига, онкологик касалликлар сонининг ошишига, ўсимликларнинг секин ўсишига олиб келиши мумкин.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, озон қатламининг емирилишига совитиш техникалари, ёнғин ўчириш воситалари, таркибида галогенлар (хлор, фтор ва бром) бўлган кимёвий моддаларнинг саноат ва қурилиш соҳасида кенг қўлланилиши асосий сабаб саналади.

Хлорфторуглерод ҳозирги кунда озон қатлами емирилишининг энг асосий сабабчиси қилиб кўрсатилмоқда. Ҳар баҳорда Ер шарининг жанубидаги Антарктика устида озон қатламида ўлчами АҚШ майдонидай бўлган "туйнук" ҳосил бўлади. "Туйнук" деганда у тешик эмас, ўша зонада озоннинг концентрацияси тушиб

кетганлигини англатади. Энг катта "туйнук" Антарктида устида 1992-1993– йилларда кузатилган. Ўшанда озон концентрацияси олдинги кузатувларга солиштирганда 60%га тушиб кетганди. Емирилиш айниқса озон концентрацияси энг юқори бўлган 15 дан 50 км гача бўлган баландликда содир бўлганди. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, ХФУнинг озон қатламига таъсири[1] жанубий кенгликда жойлашган совуқ изоляцияланган ҳаво массасини ҳосил қилиб, ўзининг метрологик ҳолатини яхшилаган ҳудудларда кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йилдан буён Монреал протоколининг аъзо Томони ҳисобланади ва унга риоя қилиш режими остида. Ҳозирги вақтда республикамиз бўйича 91,95 фоиз озон йемирувчи моддалар муомаладан чиқарилганки, бу еса Монреал протоколи билан режалаштирилган жадвални илгарилаб кетди.[2]

Маҳаллий хладагентлар - углеводород, азот оксиди, аммиак ва бошқаларни қўллаган ҳолда пилот муқобил технологияларни татбиқ этиш мамлакатимиз корхоналардаги ҳавони совутиш ва кондициялаш тармоғини модернизация қилиш, энергия тежамкорлигини таъминлаш имконини беради. Мазкур пилот лойиҳалар мамлакатимизни кенг кўламда қайта технологик жиҳозланишини рағбатлантиради.[3]

Атмосфера ҳавосини мусаффолигини сақлаш учун, авваламбор, барча инсонларга экологик таълим-тарбия берилишини йўлга қўйиш, корхоналарда экологик жиҳатдан соғлом технология яратиш, транспорт воситаларининг чиқиндисиз ишлашини таъминлаш, совитиш техникалари ва ёнғин ўчириш воситаларидан ҳавога чиқариладиган галогенларни атмосферани яъни озон қатламини сийраклашмаслигига олиб келмайдиган элементлар билан алмаштириш чора- тадбирларини кўриш, шаҳар ва қишлоқ кўчаларида, корхоналар атрофларида яшил иқтисодиётни яъни кўкаламзорлаштиришни янада кучайтириш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1 Озон қатламининг емирилиши — инсоният ҳаётига таҳдидми? www.ekolog.uz
- 2 Ozone layer protection - the mission continues. www.undp.uz
- 3 Передельский Л.В., Коробкин В.И., Приходченко О.Е. «Экология» 2009